

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ШЕРМУХАМЕДОВ КОМИЛЖОН АБДУВАЛИЕВИЧ

**XX-XXI АСР БОШЛАРИДА
МИСР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА
“МУСУЛМОН БИРОДАРЛАР” УЮШМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ**

07.00.04 – Диншунослик

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

Шермухамедов Комилжон Абдувалиевич

XX-XXI аср бошларида Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида

“Муслмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти.....3

Shermukhamedov Komiljon Abduvalievich

Activities of “Muslim Brotherhood” organization in the socio-political life of

Egypt in 20th and beginning of 21st centuries.....25

Шермухамедов Комилжон Абдувалиевич

Деятельность ассоциации “Братья-мусульмане” в социально-политической

жизни Египта в XX – начале XXI века.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ШЕРМУХАМЕДОВ КОМИЛЖОН АБДУВАЛИЕВИЧ

**XX-XXI АСР БОШЛАРИДА
МИСР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА
“МУСУЛМОН БИРОДАРЛАР” УЮШМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ**

07.00.04 – Диншунослик

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tar48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг www.iiiau.uz.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Аҳаджон Аҳмеджанович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаджанов Бахтиёр Мираймович
тарих фанлари доктори

Закурлаев Абдумутал Каримович
юридик фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «24» апрель соат 11.00** даги онлайн/оффлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiiau.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (75-рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiiau.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» мартда тарқатилди.

(2021 йил «15» мартдаги 1-рақамли реестр баённомаси)

Ш.А. Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А. Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тарих фанлари доктори, доцент

З.М. Исламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида тинчлик ва барқарорликка хавф туғдирувчи глобал аҳамиятга эга таҳдидлар кучайиб бормоқда. Экстремизм, терроризм ва радикаллашувнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг кун тартибидаги долзарб масала сифатида сақланиб қолмоқда. Ушбу таҳдидлар мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар негизида шаклланган феномен бўлиб, унинг ғайриинсоний, динга, хусусан, исломга зид бўлган характери тадқиқ этиш орқали ислом динининг халқаро майдонда деструктив куч сифатида кўрсатаётган сиёсий гуруҳларнинг асл мақсадини фош этиш мумкин. Шу йўл билан дин нуқоби остида ҳаракат қилаётган тузилмаларга қарши курашишда янги услуб ва ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш зарурати юзага келмоқда.

XX асрда Яқин Шарқ минтақасидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар мутаассиблик ва зўравонликка асосланган оқимлар фаолиятининг янада авж олишига сабаб бўлди. Бундай оқимларнинг ғоявий асоси Мисрда пайдо бўлган “Мусулмон биродарлар” (جماعة الإخوان المسلمين) уюшмасига бориб тақалиши, унинг таъсирида шаклланган диний-сиёсий ташкилотларнинг Марказий Осиё минтақасига таҳдиди мазкур мавзуга доир изланишларни алоҳида ўрганишни тақозо этмоқда. Диний мутаассибликнинг олдини олиш йўналишида кўп йиллик тажрибага эга Мисрдаги Ал-Аҳром стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази (مركز الأهرام للدراسات السياسية والاستراتيجية) ҳамда “Экстремизмга қарши кураш бўйича ал-Азхар мониторинг маркази” (مرصد الأزهر لمكافحة التطرف) ҳам экстремистик ва террорчи оқимларнинг фаолиятини тадқиқ этишга ихтисослашган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш масалаларига стратегик вазифа сифатида эътибор берилмоқда. Айни вақтда, ижтимоий-сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришга қаратилган жангари гуруҳларни Марказий Осиё, айниқса, Афғонистонга киритиш орқали минтақадаги хавфсизликни издан чиқариш ва тараққиётга тўсқинлик қилишни мақсад қилган кучларнинг уринишлари кўзга ташланмоқда. “Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак”¹. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда фаолияти кузатилган “Ҳизбут-таҳрир” сингари экстремистик ташкилотларнинг асоси “Мусулмон биродарлар” уюшмасига дахлдор эканини тизимли таҳлил этиш орқали ушбу муаммо доирасида олиб бориладиган тадқиқотлар минтақада юзага келиши мумкин бўлган диний, маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 9 (264), 2021 йил 14 январь.

тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони, 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сон қарори, 2018 йил 19 сентябрдаги “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5542-сон Фармони, 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4436-сон қарори, 2020 йил 11 августдаги “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4802-сон қарорида белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диний мутаассиб оқимларнинг ғоявий илдизлари ислом тарихининг дастлабки асрларига бориб тақалади. Жумладан, Абдулқоҳир Бағдодий, Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний, Муҳаммад Абу Саъд² томонидан илк ислом даврида мазкур фирқаларнинг пайдо бўлиши, фаолият услублари ҳамда ғоявий қарашларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуханий, Салоҳ Абу ас-Сауд, Мамдуҳ аш-Шайх, Абдул Мунъим Мунийб, Нуриддин Мухтор, Муҳаммад Саид Рамазон Бутий³, асосан, замонавий кўринишдаги диний-сиёсий ташкилотларнинг тарихи, ривожланиш босқичлари ҳақида умумий маълумотлар бериб, улар томонидан тарғиб қилинаётган ғояларга қарши ислом манбалари асосида раддиялар келтирилганлар. Диний мутаассибликнинг олдини олиш йўналишида хориждаги турдош муассасалар тажрибасини ўрганиш мақсадида ал-Аҳром стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда Экстремизмга қарши кураш бўйича ал-Азхар мониторинг маркази фаолияти ўрганилди.

Америка, Европа ва россиялик шарқшунос олимлардан Р.Митчел,

² Абдулқоҳир ибн Тоҳир ибн Муҳаммад Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. –Байрут: Дор ал-маърифат, 1986; Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-Милал ва ан-нихал. –Байрут: Дор ал-Кутуб ал-илмия, 1992; Муҳаммад Абу Саъда. Ал-Хавориж фий мизон ал-фикр ал-исломий. –Қоҳира, 1998.

³ Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуханий. Ал-Мавсуат ал-муассара фи-л-адён ва-л-мазоҳиб ва-л-аҳзоб ал-муосира // Ишроф ва тахтит ва мурожаат. –Ар-Риёд: Дор ан-надва ал-оламия, 2003; Салоҳ Абу ас-Саъуд. Ал-Маржаъ ал-комил фи-л-фирак ва-л-жамоот ва-л-мазоҳиб ал-исломия. –Қоҳира: Мактабат ан-нофиза, 2005; Мамдуҳ аш-Шайх. Ал-Жамоат ал-исломия ал-Мисрия ал-муташаддида. –Қоҳира: Мактаб ал-Мадбулий, 2005; Абдул Мунъим Мунийб. Далил ал-ҳаракат ал-исломия ал-Мисрийя. –Қоҳира: Мактаб ал-Мадбулий, 2010; Нуриддин Мухтор. Ал-Унф мин манзур ал-улум ал-фикхия. –Қоҳира: Дор ас-салом, 2010; Муҳаммад Саид Рамазон Бутий. Ас-Салафия: марҳала замания муборака ла мазҳаб исламий. –Дамашк: Дор ал-фикр, 1990.

Э.Сиван, Г.Кепел, Хейворс-Дюнн, Б.Лиа, А.Коровиков, А.Борисов, А.Игнатенко, М.Ражбадинов, В.Микульский, Т.Милославская, А.Кудрявцев, Е.Бирюков, А.Коротаев, Ю.Зинькинанинг⁴ Мисрдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва мамлакатда фаолияти кузатилган экстремистик ташкилотлар, шунингдек, “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг асосий етакчилари ҳисобланган Ҳасан ал-Банно ва Сайид Кутбнинг қарашлари билан боғлиқ изланишлари тадқиқ этилди.

Хорижий тадқиқотчилар, айниқса, ғарб ва рус олимларида бир умумий жиҳат, яъни тадқиқ этилаётган муаммони бирор-бир манфаат ёки бошқа сабаблардан келиб чиқиб, бир томонлама таҳлил қилиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Шунингдек, “Мусулмон биродарлар” уюшмасига хайрихоҳ бўлган Муҳаммад Салим ал-Авво, Иброҳим Байюмий Ғоним, Ҳаммод Маҳмуд Исмоил, Али Муҳаммад Саллобий⁵ каби олимларнинг изланишлари ҳам тадқиқ этилди. Шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот жараёнида мазкур манбаларга илмий, танқидий ва холис ёндашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақиллик йиллари арафасида дин ниқоби остидаги таҳдидлар мамлакатимизда ҳам кузатилгани мазкур мавзуга бағишланган тадқиқотлар кўламининг кўпайишига туртки бўлди. Ўзбекистонлик А.Ҳасанов, А.Абдувахитов, Ш.Ёвқочев, Б.Бабаджанов, З.Мунавваров, М.Ражабова, Ж.Тошқулов, А.Закурлаев, М.Муҳаммадсидиқов, Ш.Исламов⁶ каби олим ва

⁴ Richard Mitchel. The Society of the Muslim Brothers. –London: Oxford University Press, 1969; Emmanuel Sivan. Radical Islam: Medieval Theology and Modern Politics. –New Haven: Yale University Press, 1985; Gilles Kepel. Muslim Extremism in Egypt: The Prophet and the Pharaoh. “University of California Press”, 1993; Heyworth-Dunne J. Religions and political Trends in Modern Egypt. –Washington, 1950; Brynjar Lia. The Society of the Muslim Brothers in Egypt: The Rise of an Islamic Mass Movement. Reading, UK: Gamet, 1998; Коровиков А.В. Исламский экстремизм в арабских странах. –Москва: Наука, 1990; Коровиков А. Сейид Кутб – идеолог исламского экстремизма. Религии мира. История и современность. Ежегодник. 1982. –Москва: Главная редакция восточной литературы издательства “Наука”, 1986; Борисов А. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). –Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991; Игнатенко А. Халифы без халифата. Исламские неправительственные религиозно-политические организации на Ближнем Востоке: история, идеология, деятельность. –Москва: Наука, 1988; Ражбадинов М. Египетское движение “Братьев-мусульман”. – Москва, 2003; Ражбадинов М. Радикальный исламизм в Египте (на примере деятельности организаций “Аль-джихад” и “Аль-Гамаа аль-исламия”) –Москва, 2003; Микульский В. “Ассоциация Братьев мусульман” в Египте и ее социально-политическая доктрина. –Москва, 1987; Милославская Т. Начальный этап деятельности ассоциации “Братьев-мусульман”. Религии мира. –Москва: Главная редакция восточной литературы издательства “Наука”, 1982; Кудрявцев А. Египетские исламисты: кто они? // Le Monde Diplomatique, “Русское издание”, 2006; Бирюков Е. Исламский радикализм в Египте. Материалы научной конференции, посвященной памяти В.В.Посувалюка “Арабский мир на рубеже III тысячелетия”. – Москва: ИСАА при МГУ, 2000; Коротаев А., Зинькина Ю. Системный мониторинг глобальных рисков: Арабская весна 2011 года. –Москва: Издательство ЛКИ, 2012.

⁵ Муҳаммад Салим ал-Авво. Ал-Мадорис ал-фикрия ал-исломия минал-хавориж илал-ихвон ал-муслимин. – Байрут: Аш-Шабакка ал-арабия лил-абхос ван-нашр, 2016; Иброҳим Байюмий Ғоним. Ал-фикру ас-сийасий ли-имами Ҳасан ал-Банно. –Қоҳира, 1992; Ҳаммод Маҳмуд Исмоил. Ҳасан ал-Банно ва жамоат ал-ихвон ал-муслимин байна-д-дин ва-с-сиёса (1949-1982). –Қоҳира. “Дор аш-шурук”, 2010; Али Муҳаммад ал-Саллобий “Фикх ан-наسر ва ат-тамкин фи ал-Қуръан ал-карим”. –Байрут. Дор ал-маърифат, 2009.

⁶ Ҳасанов А. Ислом экстремизмининг ғоявий илдиэлари // Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик асоси (Маърузалар матни). –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2003; Абдувахитов А. “Братья-мусульмане” на общественно-политической арене Египта и Сирии в 1928-1963 гг. Дисс. ...канд. ист. наук. –Ташкент. 1990; Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте: Дисс. ...канд. полит. наук. –Ташкент: ТашГИВ, 2000; Ёвқочев Ш. Влияние ислама на формирование современной политической системы АРЕ: Автореф. дисс. ... док. полит. наук. –Ташкент: ТашГИВ, 2009; Бабаджанов Б. Ферганская долина: источник или жертва исламского фундаментализма? / Центральная Азия и Кавказ. – 1999. –№4(5); Бабаджанов Б., Муминов А., фон Кюгельген. Диспуты

тадқиқотчилар⁷ томонидан ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда фаолияти кузатилган экстремистик ташкилотларнинг ҳаракат услублари, ташкилий тузилмаси ҳамда жамият барқарорлигига таҳдиди ҳақида маълумотлар берилган.

Шарқшунос олим А.Абдувахитов “Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг 1928-1963 йилларда Миср ва Суриядаги ривожланиш босқичлари, диний-сиёсий ҳаракатларнинг эволюциясини таҳлил этган. Сиёсатшунос олим Ш.Ёвқочевнинг илмий изланишларида Миср Араб Республикаси мисолида ислом динининг сиёсийлашуви ва шу асосда экстремизмнинг пайдо бўлиши, унинг оқибатида мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволнинг кескинлашишига олиб келган сабаблар, шунингдек, исломнинг Миср Араб Республикаси замонавий сиёсий тизими шаклланишига таъсири тадқиқ этилган. Ҳуқуқшунос олимлар М.Ражабова ва А.Закурлаевлар экстремизм ва терроризм тусидаги жиноятларни тавсифлаш ҳамда унга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш каби муаммоларга алоҳида эътибор қаратган.

Қайд этиш жоизки, мазкур масалаларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўламнинг кенглиги, унинг етарли даражада ўрганилганидан далолат бермайди. Диний мутаассиблик кўринишидаги бузғунчи ҳаракатларнинг янги шаклдаги таҳдидлари дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин давом этар экан, мазкур муаммо ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Мавжуд тадқиқотлар таҳлили “Мусулмон биродарлар” уюшмаси ва унинг таъсирида шаклланган диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолиятини комплекс равишда тадқиқ этилмаганини кўрсатади. Шунингдек, “Мусулмон биродарлар”нинг Марказий Осиёга таҳдиди ва унинг олдини олиш йўллари бўйича яхлит тадқиқот мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170930317-сонли “Глобаллашув жараёнида экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган кишиларни ижтимоий реабилитация қилиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг деструктив фаолиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

замонавий кўринишдаги диний мутаассиб ҳаракатларнинг келиб чиқиш

мусулманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке: критические издания и исследования источников. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007; Мунавваров З., Ҳасанов А. Ислам: ханафийлик ва ваҳобийлик. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1998; Ражабова М. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. доктори дис... автореф. – Тошкент, 2002; Тошқулов Ж. Терроризмга қарши курашнинг айрим ҳуқуқий қафолатлари. – Тошкент, 2008; Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000; Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент, 2010; Мухаммадсидиков М. Араб мамлакатларида давлат ва дин муносабатлари. Монография. – Тошкент: 2019; Исламов Ш. “ИШИД” террорчи ташкилотининг ахборот хуружи ва уни бартараф этиш йўллари: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... автореф. – Тошкент, 2020.

⁷ Муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тарихини тадрижий нуктаи назардан таҳлил қилиш;

“Мусулмон биродарлар” уюшмасининг моҳияти, ғоявий асослари, ташкилий тузилмаси, фаолият услубларини тарихий фактлар ва далилларга таянган ҳолда ёритиш;

“Мусулмон биродарлар” уюшмасининг шаклланишида Ҳасан ал-Банно ва Саййид Қутбларнинг ролини кўрсатиб бериш;

Мисрда “Мусулмон биродарлар” асосида шаклланган экстремистик ва террорчи ташкилотларни аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини қиёсий таҳлил этиш;

“Мусулмон биродарлар” уюшмасининг “Араб баҳори” номи остида бўлиб ўтган намойишларда тутган ўрнини очиб бериш;

деструктив ҳаракатларнинг ғоялари ислом динининг асл моҳиятига зид эканини Қуръони карим оятлари, ҳадислар, машҳур уламоларнинг фикрлари ҳамда бошқа манбаларга таянган ҳолда асослаш;

Ўзбекистонда “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган уюшмаларнинг фаолиятини тадқиқ этиш ҳамда минтақада диний, маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

Ўзбекистон ва Миср Араб Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишидаги ижобий тажрибалари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг юзага келиши, унинг таъсирида шаклланган радикал оқимлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон барқарорлиги ва хавфсизлигига бўлган таҳдидидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик ҳамда анализ, синтез ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий кўринишдаги радикал оқимлар томонидан амалга оширилаётган суицид амалиётининг асоси илк бор Ҳасан ал-Баннонинг “Фаннул-мавт” (فن الموت – “Ўлим санъати”), яъни “шаҳидликка рухсат берилиши”ни диний матнлар билан боғлаб бериш ғояси орқали татбиқ этилгани аниқланган;

“Мусулмон биродарлар” уюшмаси етакчиси Саййид Қутбнинг “ат-тамкин” (التمكين – “ҳокимиятни қўлга киритиш”) амалиёти билан боғлиқ ўта радикал концепцияси замонавий экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг бузғунчилик ҳаракатларини оқлашда асосий воситага айлангани очиб берилган;

“Мусулмон биродарлар”нинг тизимлашган бошқарув иерархияси ва дастурий мақсадлари “Ҳизбут-таҳрир” сингари экстремистик ташкилотларнинг услубларига бевосита таъсир этгани исботланган;

Мисрнинг экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича кўп йиллар давомида қўллаган “куч ишлатиш” методи, айниқса “Араб баҳори” воқеалари оқибатида етарли самара бермагани сабабли 2014 йилдан сўнг асосан ғоявий тарғибот услубига ўзгаргани ва бу ўз навбатида Ўзбекистон тажрибаси

мисолида “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси энг самарали йўл экани асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

XX асрда “Мусулмон биродарлар” таъсирида Мисрда пайдо бўлган “Шабаб Муҳаммад” (شباب محمد), “ат-Такфир вал-ҳижра” (التكفير والهجرة), “ал-Жамоат ал-исломия” (الجماعة الإسلامية), “ал-Жиход” (الجهاد) ҳамда Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда фаолияти кузатилган “Ҳизбут-таҳрир ал-исломий” (حزب التحرير الإسلامي) каби диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолият услублари, йўналишлари, ғояларини тадқиқ этиш орқали уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

“Мусулмон биродарлар” нафақат Мисрда, балки Ливан, Жазоир, Тунис, Судан, Сурия, Кувайт, Иордания, Ливия, Покистон, Россия, Марказий Осиё мамлакатларида экстремистик руҳдаги кўплаб ташкилотларнинг пайдо бўлишига хизмат қилгани ҳам далилланган;

экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг вайронкор моҳиятини фош этиш орқали аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодда бундай таҳдидларга жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бўйича хулоса ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти турли оқим ва тоифаларни ўрганишда янгича илмий ёндашув ва тадқиқотларга асос бўлиши, оқим вакиллари билан ишлашда илмий-назарий жиҳатларни такомиллаштириш, ёшлар қалбини жаҳолат, ёт ғоялардан ҳимоя қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини кучайтиришда самарали таъсир этиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертацияда баён этилган мулоҳазалар, таҳлилий натижалар ва концептуал хулосалар асосида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ўқитиладиган “Дин ниқобидаги таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш асослари”, “Ислом ва ҳозирги замон”, “Ахборот истеъмолчи маданияти” каби ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари тайёрлашда, шунингдек, мутаассиб шахслар билан ишлашда тавсиявий қўлланма бўла олиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX-XXI аср бошларида Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол бўлган “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолиятини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

замонавий кўринишдаги радикал оқимлар томонидан амалга оширилаётган суицид амалиётининг асоси илк бор Ҳасан ал-Баннонинг “Фаннул-мавт” (“Ўлим санъати”), яъни “шаҳидликка рухсат берилиши”ни диний матнлар билан боғлаб бериш ғояси орқали татбиқ этилгани ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари учун тайёрланган дарслик ҳамда имом-хатиблар учун чоп этилган муаллифнинг

“Жаҳолат тўри” номли китобида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 2214-сонли маълумотномаси). Натижада, бугунги кунда ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун таҳдид солаётган дин ниқоби остидаги хуружларнинг олдини олиш, ёшларни соғлом эътиқод ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш масалалари очиб берилган;

“Мусулмон биродарлар” уюшмаси етакчиси Саййид Қутбнинг ўта радикал концепциялари замонавий экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг бузғунчилик ҳаракатларини оқлашда асосий воситага айлангани ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан ички ишлар тизимидаги ходимларнинг малакасини ошириш, ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда профилактика инспекторлари учун тайёрланган “Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани” номли ўқув-амалий қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 28 ноябрдаги 3150-сонли маълумотномаси). Натижада, Ички ишлар органлари ходимларида мутаассиб оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган ғоялар ислом дини моҳиятига, умуман, ёт экани ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган;

“Мусулмон биродарлар”га хос тизимлашган бошқарув иерархияси ва дастурий мақсадлари “Ҳизбут-таҳрир” сингари экстремистик ташкилотларнинг услубларига бевосита таъсир этгани ҳақидаги маълумотлар “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Илмдан бошқа нажот йўқ”, “Экстремизм профилактикаси ва дерадикализация масалалари” номли китоблар мазмунига сингдирилган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 3 ноябрдаги 5461-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари жойларда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш ҳамда ёт ғоялар таъсирига тушган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этган;

Мисрнинг экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича кўп йиллар давомида қўллаган “куч ишлатиш” методи бугунги ахборот кураши даврида етарли самара бермагани сабабли, ғоявий тарғибот услубига ўзгаргани ва бу ўз навбатида, Ўзбекистон тажрибаси мисолида “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси энг самарали йўл экани ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан олий таълим муассасалари учун “Дин ниқобидаги таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш асослари” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан нашрга тавсия этилган). Натижада, талабалар онгида мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатларини янада чуқур англаш, жамият барқарорлигига таҳдид солаётган бузғунчи оқимлар ҳақида яққол билим ва тасаввурларнинг шаклланишига хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг экстремизм ҳамда терроризмга қарши кураш бўйича ижобий тажрибаси асосида ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази илмий-тарихий концепциясининг “Жаҳолатга қарши маърифат” бандини ишлаб чиқиш ва

музей экспозициясини шакллантиришда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 28 августдаги 234/20-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижа жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, ҳаммуаллифликда тайёрланган 1 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма ва 10 та китоб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини нашр қилишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва унинг вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мусулмон биродарлар” уюшмаси фаолиятини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида экстремизм ва терроризмнинг глобал таҳдидга айланиш жараёнида энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, диндан одамлар орасига нифоқ солиш, кўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришда фойдаланишга уринишларда намоён бўлиши ҳақида сўз боради.

Тадқиқотда замонавий кўринишдаги диний мутаассиб ҳаракатларнинг келиб чиқиш тарихини эволюцион нуқтаи назардан аниқлаш мақсадида илк ихтилофларни келтириб чиқарган фирқаларнинг юзага келиши, уларнинг тарқалиши, фаолияти ва ўзига хос йўналишлари ҳам очиқ берилган.

Мазкур бобда ислом ниқоби остидаги экстремистик ҳаракатларнинг илдизлари халифа Усмон (р.а.) даврининг иккинчи ярми ва Али (р.а.) халифалиги даврида диний-сиёсий услубга эга бўлган йўналиш сифатида шакллланган хорижийларга бориб тақалаш иритилган. Унда Абдулқарим

Шахристониё⁸, Абдулқоҳир Бағдодий⁹, Абул Ҳасан Ашъарий¹⁰, Ибн Ҳажар Асқалоний¹¹ларнинг китоблари тадқиқ этилиб, хорижийларнинг келиб чиқиши, шаклланиш босқичлари ҳамда ғоявий қарашлари баён қилинган. Бунда бузғунчилик ишларини дин номидан амалга ошириб, ўзларининг мудҳиш қилмишлари ва жиноятлари билан ном қозонган хорижийлар ўз ақидаларига қўшилмаган жамоаларга қарши олиб борган қирғин-барот урушлари оқибатида кўплаб инсонларнинг ҳалокатига сабабчи бўлгани, улар тутган йўл исломнинг асосий тамойиллари, айниқса, аҳли сунна ва жамоанинг эътиқодий усулларига бутунлай зид экани кўрсатиб ўтилган.

Хорижийлар томонидан ўз даврида қўлланган услуб ва тарғиб қилинган ғоялар кейинчалик давомий ихтилофлар эшигини очиб берди. Бунинг натижасида мусулмон олами ўзига хос йўналишларга эга бўлган диний-сиёсий оқим ва фирқаларга бўлиниб кетди. XIII-XIV асрларда куртак отиб, ҳозирги кунда ўз тузилмаларини шакллантираётган, барча экстремистлар ғоявий жиҳатдан таянаётган “салафийлик” оқими бунга мисол бўла олади.

Исломда “инқилобий кураш” таълимотини яратган суриялик Тақийиддин ибн Таймия (1263-1328) “салафийлик” ғоялари учун зарур бўлган назарий, ақидавий асосларни ишлаб чиқди. Хорижийлар бутун мусулмон дунёсида ҳукмрон дин ақидаларига хилоф йўналиш сифатида қайд этилган бўлса, Ибн Таймия, аксинча, ўз даврининг энг йирик илоҳиётчи олими эди. Умуман олганда, унинг юз жилддан ортиқ асарлари ўрта асрлар ислом меросининг таркибий қисмини ташкил этади ва ҳамма томонидан эътироф этилади. Ибн Таймианинг айнан мана шу “ҳаммага маъқуллиги”дан мутаассиблар ўз ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланиб келганлар¹². Шунинг учун Ибн Таймия ислом илмлари бўйича етук илмий салоҳиятга эга бўлиш билан бирга, радикал қарашлари туфайли унга замондош бўлган ва кейинги аср уламолари томонидан жиддий танқид остига олинган.

Охир-оқибат, асл ислом моҳиятига ёт бўлган бундай оқимларнинг барчаси таназзулга учради, лекин улар томонидан тарғиб қилинган бузғунчи ғоялар ҳозирги кунда янги шаклдаги деструктив ташкилотларнинг пайдо бўлишига замин яратгани ғоявий курашнинг ҳар қандай таҳдидлардан ҳам хавфли эканига далил бўла олади. Бунда юқорида келтирилган қарашлар XX асрда юзага келган замонавий кўринишдаги диний-сиёсий ташкилотлар “таълимотлари”да шаклланди. Асли мисрлик бўлган Ҳасан ал-Банно (1906-1949), Саййид Қутб (1906-1966), Шукрий Мустафо (1942-1978), Муҳаммад Абдусалом Фараж (1954-1982), Айман Завоҳирийлар ўзининг радикал қарашлари орқали деструктив оқимларнинг янада кескин тус олишига хизмат қилди.

Шу тариқа, 1928 йил март ойида Мисрнинг Исмоилия шаҳрида Ҳасан ал-Банно томонидан “Мусулмон биродарлар” уюшмаси ташкил этилиб, илк

⁸ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шахристониё. Ал-Милал ва ан-нихал. –Байрут: Дор ал-Кутуб ал-илмия, 1992.

⁹ Абдулқоҳир ибн Тохир ибн Муҳаммад Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. –Байрут: Дор ал-маърифат, 1986.

¹⁰ Абул Ҳасан Ашъарий. Мақолотул исломий. 1/207.

¹¹ Ибн Ҳажар Асқалоний. “Фатҳул Борий шарҳ саҳиҳул Бухорий”.

¹² Мунавваров З.И., Ҳасанов А.А. Ислом: ҳанафийлик ва ваҳҳобийлик. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 1998. –Б.34.

даврларданок у диний, сиёсий ва ижтимоий ҳаракат сифатида фаолият бошлади.

Ҳасан ал-Банно нафақат Миср, балки бутун мусулмон дунёсини қайта тиклаш мақсадида “Мусулмон биродарлар” ишлаб чиққан ва улар наздида энг мақбул йўл деб топилган дастурни таклиф қилди. Унда Қуръон ва шариатни мусулмон оиласи, шахс, жамият, давлатни тартибга солиш ҳамда бошқаришнинг ягона манбаи сифатида кишилар онгига сингдириш, барча мусулмонлар Муҳаммад (с.а.в.) ва халифалар давридаги асл ислом ҳолатларига қайтишлари зарур экани тарғиб қилинган¹³. Бунда ташкилот ўз олдида гўёки, ислом оламини тозалаш, аввал мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлар ҳудудида “Ислом давлати”ни қуриш, яъни ер юзидаги мусулмонларни бир жамоа этиб бирлаштириш асосий мақсадига айланди. Мақсадга эришиш учун ташкилот томонидан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

- Қуръон ва сунна тамойиллари асосида соф исломга қайтишга даъват этиш ҳамда “салафлар”га эргашиш;

- сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва таълим соҳаларида ислом шариатини жорий этиш;

- кишиларга “Мусулмон биродарлар”нинг ёндашувига асосланган ҳолда исломни етказиш ва ислом умматининг бирлигига эришиш;

- ҳукуматни фақат шариат асосида ҳукм чиқарадиган “Исломий давлат”га айлангунга қадар ислоҳ этиш;

- мусулмон дунёсидаги давлатларда “Мусулмон биродарлар” тарафдорлари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш¹⁴.

Ҳасан ал-Банно исломий жамиятда ягона партия бўлиши ва мазкур вазифаларни амалга ошириш учун “Мусулмон биродарлар” уюшмаси ташкил этилганини қайд этади. Унинг ғоялари, асосан, “Кеча ва бугун орасида” (رسالة التعاليم – *Таълимотлар рисоласи*), “Байнал амс вал-йавм) (بين الأمس واليوم) – *Рисалат-ут-таълим*), “Ўлим санъати” (فن الموت – *Фаннул-мавт*), “Маърузалар тўплами” (مجموعة الرسائل – *Маъжмуат ар-расоил*) каби китоб, рисола ва мақолаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, “Таълимотлар рисоласи” китобида Ҳасан ал-Баннонинг “Мусулмон биродарлар”нинг асосий йўналишига айланган “Аллоҳ – бизнинг мақсадимиз, Қуръон – қомусимиз, Пайғамбар – бизнинг етакчимиз, Жиход – бизнинг йўлимиз ва Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш бизнинг энг олий орзуимиз” шиори келтирилган¹⁵.

Шунингдек, диссертациянинг биринчи бобида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти турли даврларда босқичма-босқич ўзгариб боргани таҳлил этилган. Хусусан, биринчи “таништириш босқичи” (مرحلة التعريف – *мархалат ат-таъриф*) – ташвиқот ва мафкуравий тарғибот даври. Иккинчи “шакллантириш босқичи” (مرحلة التكوين – *мархалат ат-таквин*) – ташкилотга ишончли тарафдорларни жамлаш, “дин тарғиботчилари”ни тайёрлаш ва

¹³ Салоҳ Абу ас-Саъуд. Ал-Маржаъ ал-комил фи-л-фирақ ва-л-жамоот ва-л-мазоҳиб ал-исломия. –Қоҳира: Мактабат ан-нофиза, 2005. – Б.249.

¹⁴ Youssef H. Aboul-Enein. Al Ikhwan Al Muslimeen: The Muslim Brotherhood. Military Review. – Б.26-31.

¹⁵ Моний ибн Ҳаммод ал-Жуханий. Ал-Мавсуат ал-муяссара фи-л-адён ва-л-мазоҳиб ва-л-аҳзоб ал-муосира // Ишроф ва тахтит ва мурожаат. –Ар-Риёд: Дор ан-надва ал-оламия, 2003. – Б.202.

жангариларни сафарбар қилиш. Учинчи “амалга ошириш босқичи” (مرحلة التنفيذ – *мархалат ат-танфиз*) – ҳаракатнинг ғояларини амалиётга татбиқ этиш бўлиб, Ҳасан ал-Баннога кўра, унга кучли имон, соф эътиқод ва тинимсиз меҳнат орқали эришиш мумкин¹⁶.

1938 йилгача “Мусулмон биродарлар” ўзларининг жамиятдаги сиёсий фаолиятини инкор қилиб келган. Экстремистик ғоя ва даъволар таъсирида ташкилотнинг услуби тарғибот ишларидан секин-аста зўравонлик ҳаракатига ўзгара бошлади ва бунда асосий урғу терроризмга қаратилди¹⁷. Шу даврдан бошлаб, “Мусулмон биродарлар” уюшмаси сиёсий ҳаётда террор усулини кенг қўллайдиган тузилмага айлангани кузатилди.

Тадқиқотда “Мусулмон биродарлар” уюшмаси фаолиятини таҳлил қилиш орқали унинг турли даврларда вазиятга қараб ўзгариб боргани хронологик тарзда ёритиб берилган. Бунда ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий назариётчиси Саййид Қутб ҳаракатнинг мафкуравий асосини янгилаш устида иш олиб боргани, унинг қаламига мансуб “ал-Адола ал-ижтимаъия фи-л-ислом” (العدالة الإجتماعية في الإسلام – “Исломда ижтимоий адолат”)¹⁸, “Фий зилол ал-Қуръон” (في ظلال القرآن – “Қуръон соясида”)¹⁹, “Маолим фит-торик” (معالم في الطريق – “Йўлдаги белгилар”)²⁰ каби китоблари Ҳасан ал-Банно томонидан тарғиб қилинган “таълимотлар”нинг янада кескинлаштиргани баён қилинган.

Умуман олганда, “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг етакчилари Ҳасан ал-Банно ва Саййид Қутб қарашларида узок тараққиёт йўлини босиб ўтган ислом ниқобидаги радикал ғоялар ўзининг яхлит ифодасини топгани, бунинг натижасида XX асрнинг 70-80-йилларида кўплаб радикал оқимларнинг пайдо бўлишига замин яратилгани тадқиқотда очиқ берилган.

“Мисрдаги диний-сиёсий ташкилотларнинг тадрижий босқичлари” деб номланган иккинчи бобда уюшма асосчиси Ҳасан ал-Баннодан кейин “Мусулмон биродарлар”га турли йилларда раҳбарлик қилиб келган Ҳасан ал-Ҳудайби (1891-1973), Умар ат-Тилмисоний (1904-1986), Муҳаммад Ҳамид Абу ан-Наср (1913-1996), Мустафо Машхур (1921-2002), Маъмун ал-Ҳудайби (1921-2004), Муҳаммад Маҳди Акиф (1928-2017), Муҳаммад Бадий (1943 й.), Маҳмуд Эззат (1944 й.)ларнинг уюшмадаги бошқарув фаолияти таҳлил этилган.

XX асрнинг иккинчи ярми мусулмон оламининг фаоллашуви, хусусан, араб мамлакатлари ички ва ташқи сиёсатида рўй берган ўзгаришлар билан ажралиб турди. 1952 йил 23 июль куни Мисрда юз берган инқилоб натижасида мамлакатда монархия кулади ва давлат ҳокимияти Миср инқилобий Кенгаши ихтиёрига ўтди. Аслида, “Озод офицерлар” уюшмасининг етакчиси ҳисобланган Жамол Абдул Носир (1918-1970) қироллик тизимига қарши инқилобга тайёргарлик кўриш жараёнида “Мусулмон биродарлар” раҳбари

¹⁶ Амин С. “Ад-Даъва ал-исламия”. –Қоҳира, 1981. – Б.144-145.

¹⁷ Ар-Рафии. Непосредственно после египетской революции. Т.2. –Каир, 1951. – С.264.

¹⁸ Sayyid Qutb. Social Justice in Islam. – (Translated by John B.Hardie & Hamid Algar). – New York: Islamic Publications International (Revised edition) 2000.

¹⁹ Sayyid Qutb. In the Shade of the Qur'an. – (Translated and Edited by Adil Salahi & Ashur Shamis). –United Kingdom: The Islamic Foundation, 2000.

²⁰ Sayyid Qutb. Milestones. New York: Mother Mosque Foundation. 1981.

Ҳасан ал-Ҳудайби билан ҳамкорликда ҳаракат қилишга ҳам келишиб олган эди²¹. Улар ҳатто биргаликда ҳарбий тўнтаришнинг режасини туздилар. Лекин яқунда Жамол Абдул Носир ўз фикрини ўзгартирди ва “Озод офицерлар” уюшмаси мустақил равишда ҳаракат қилишга қарор қилди.

Экстремистик руҳдаги тузилмаларнинг тарафдорлари аввалига мамлакатда ўтказилган Июль инқилобини олқишладилар, чунки уларнинг наздида гўёки, исломга қарши турган мустабид ҳокимият йўқ қилинган эди. Хусусан, “Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг раҳбари Ҳасан ал-Ҳудайби ҳам янги ҳукумат исломий тараққиёт тизими йўлини танлайди, деб қаттиқ ишонган эди²². Аммо улар ҳокимият тепасига келган Жамол Абдул Носирнинг “исломий давлат” эмас, балки дунёвий давлат қуриш ниятида эканини тушунганларидан сўнг, ўз норозилиklarини билдириб, инқилоб раҳбарларидан юз ўгирдилар.

Миср ҳукумати билан тил топиша олмаган “Мусулмон биродарлар” мамлакатда ислом давлати тузиш бўйича референдум ўтказишни талаб қилдилар²³. Табиийки, ҳукумат раҳбарлари уларнинг талабларини бажармадилар. Аксинча, аввалига “Мусулмон биродарлар”га очиқ фаолият юритишига рухсат берган Миср ҳукумати шундан сўнг бу ҳуқуқни бекор қилди. Ўша заҳотиёқ, аниқроғи 1953 йилнинг охирида уюшма раҳбари Ҳасан ал-Ҳудайби Абдурахмон ас-Санади бошчилигидаги ҳаракатнинг “Махфий қисм”и (الجهاز السري – *ал-Жихааз ас-сирр*)ни тарқатиб юборишни эълон қилди²⁴. Бу йўл билан улар, гўёки, ҳукуматга террористик услубларни қўллашдан анча йироқлигини намоён қилиш эди. Лекин “Мусулмон биродарлар” уюшмаси зарурат юзасидан ҳар қандай ҳолатда жанговор мобиль гуруҳларга айланишга тайёр эди.

1974 йилда “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг аъзоси саналган Умар ат-Тилмисоний бошқарувни ўз қўлига олди. У ташкилотнинг зўравонлик курашини ишлатишдан воз кечиши ва аста-секин парламент типдаги сиёсий партияга айланишини эълон қилди²⁵. Унинг фикрича, терроризм ташкилотнинг ғоясини амалга оширолмайди, балки маънавий ҳалокатга олиб келади. Тилмисоний доимо “Даъват – юмшоқлик, бетарафлик ва ҳикмат билан олиб борилади”, дея таъкидлар эди²⁶.

“Мусулмон биродарлар”нинг фаолият услубларида мамлакат ҳудудида куч ишлатишдан воз кечилган бўлса-да, аммо уларнинг йўналишидаги “асл исломга қайтиш”, шариат қонунларини ўрнатиш ва “ислом давлати”ни қуриш каби ғоялар ўзгаришсиз қолди. “Мусулмон биродарлар” араблар бирлиги учун курашдан бош тортдилар, шу билан бирга, панисломизм ҳам иккинчи ўринга

²¹ Борисов А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). – Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – С.72.

²² Anawati G.C. Les grands courants de la pensee religieuse musulmane dans L’Egipite contemporaine. – P.28.

²³ Махорин В. “Братья-мусульмане: выходящие из подполья” // Независимая газета. 1997 г. 25 декабря.

²⁴ Игнатенко А.А. Халифы без халифата. Исламские неправительственные религиозно-политические организации на Ближнем Востоке: история, идеология, деятельность. – Москва: Наука, 1988. – С.92.

²⁵ Бирюков Е. Исламский радикализм в Египте. Материалы научной конференции, посвященной памяти В.В.Посувалюка “Арабский мир на рубеже III тысячелетия”. – Москва: ИСАА при МГУ, 2000. – С.29.

²⁶ Моний ибн Ҳаммод ал-Жуханий. Ал-Мавсуат ал-муяссара фи-л-адён ва-л-мазоҳиб ва-л-аҳзоб ал-муосира // Ишроф ва тахтит ва мурожаат. – Ар-Риёд: Дор ан-надва ал-оламия, 2003. – Б.200.

тушиб қолди. Улар биринчи ўринда Мисрни “исломлаштириш”га катта аҳамият бердилар²⁷. Бунинг натижасида, 1970-1980 йилларда “Мусулмон биродарлар” аъзолари мўътадил ва ўта радикал тоифаларга бўлиниб кетди.

Диссертациянинг иккинчи бобида “Мусулмон биродарлар”нинг таркибий тузилмаси замонавий террорчи ташкилотлар учун ўзига хос намунага айлангани ҳам таҳлиллар орқали ёритилган. Мазкур тузилма “Мусулмон биродарлар”да “оила” (أسرة – *усра*), “қабила” (عشيرة – *аъшира*), “гуруҳ” (رحل – *рахт*), “жамоа” (كتيبة – *катиба*) каби тармоқларни ўз ичига олиб, кучли иерархик тизимга эга “катта оила” пирамидаси шаклланган²⁸. Натижада, “Мусулмон биродарлар”га хос тизимлашган бошқарув иерархияси кўплаб экстремистик ташкилотларнинг ташкилий тузилмасида ўз аксини топган. Хусусан, бундай ячейкалар Ўзбекистонда фаолияти кузатилган “Ҳизбут-таҳрир”, “Акримийлар” оқимларида “халқа” деб аталган.

Бундай махфий иерархик тизим ташкилотнинг ҳар бир аъзоси устидан кучли назорат ўрнатилиши ҳамда бошқарувни қатъий субординация орқали ташкил этишнинг механизми яратилишига олиб келган²⁹.

Тадқиқотда “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган “Шабаб Муҳаммад”, “ат-Такфир вал-ҳижра”, “ал-Жамоат ал-исломия”, “ал-Жиход” ҳамда Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда фаолияти кузатилган “Ҳизбут-таҳрир ал-исломий” каби диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолият услублари, йўналишлари, ғояларининг ўзаро боғлиқлиги қиёсий очиб берилган.

Унда “Мусулмон биродарлар”нинг нафақат Мисрда, балки бошқа давлатларда шу ном билан боғлиқ гуруҳлар ёки уларнинг йўналишига мос, аммо номланиши турлича бўлган уюшмалар таркибида ҳам фаолият олиб боргани кузатилган. Хусусан, “Мусулмон биродарлар” Ливанда – “Ислом тараққиётчилари”, Жазоирда – “Аҳл ад-даъва” (Даъватчилар, أهل الدعوة), Суданда – “Ҳаракаат-тавжих ал-исламий” (حركة التوجيه الإسلامي – Ислом йўналиши ҳаракати) ёки “ал-Иттижаҳ ал-исламий” (الاتجاه الإسلامي – Исломий қарашлар), “ал-Жабҳа ал-исломия ал-қавмия” (الجبهة الإسلامية القومية – Миллий ислом fronti), “Жабҳа ал-мисоқ ал-исломий” (جبهة الميثاق الإسلامي – Ислом хартияси fronti), Сурияда – “ат-Талиа ал-муқотила” (الطليعة المقاتلة – Жанговар авангард), “ал-Жабҳа ал-исломия” (الجبهة الإسلامية – Ислом fronti), Кувайтда – “Жамиат ал-ислаҳ ал-ижтимаи” (جمعية الإصلاح لإجتماعي – Ижтимоий ислоҳот жамияти) ҳамда Тунис, Иордания, Ливия, Покистонда экстремистик ва террористик ташкилотлар пайдо бўлишига ҳам асос бўлиб хизмат қилган.

Шунингдек, мазкур бобда ХХІ аср бошида Мисрдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ҳамда мамлакатда юз берган инқилобий намоиш ва норозилик ҳаракатлари ҳам алоҳида таҳлил этилган. Бу намоишлар манбаларда “Араб баҳори”, “Араб уйғониши”, “Панараб инқилоби”, “Араб

²⁷ Қаранг: Ёвқочев Ш., Бобожонов Б., Раҳимжонов Д., Абдусатторов А., Солиев А. Ислом ва ҳозирги замон. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2010. – Б.119-120.

²⁸ Ҳаммод Махмуд Исмоил. Ҳасан ал-Банно ва жамоат ал-ихвон ал-муслимин байна-д-дин ва-с-сиёса (1949-1982). –Қоҳира: Дор аш-шурук, 2010. – Б.312.

²⁹ Қаранг: Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Дисс. ...канд. полит. наук. –Ташкент: ТашГИВ, 2000. – Б.156-158.

қўзғолони” каби турли номлар билан аталган. “Араб баҳори” номи остида 2011 йилда Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида шиддатли тарзда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисига айтиш мумкин³⁰. Унда Хусни Муборак (1928-2020)нинг истеъфоси билан яқунланган оммавий ҳаракат Миср Араб Республикасидаги қарама-қарши (муҳолиф) кучларнинг янада жонланишига сабаб бўлди. Бунда умумараб диний ҳаракатига айланган “Мусулмон биродарлар” ташкилотининг фаолияти янада ошқора сиёсий тус олгани намоён бўлди.

Натижада 2012 йил 24 июнда уюшманинг сиёсий қаноти ҳисобланган “Адолат ва озодлик партияси” раҳбари Муҳаммад Мурсий Миср Президенти этиб сайланди. Лекин кўп ўтмай, Мурсий томонидан олиб борилган сиёсат аста-секин унга қарши бўлган муҳолифатнинг кескинлашувига сабаб бўлгани, “Мусулмон биродарлар” таъсири остида кечган бошқарув эса муваффақиятсизликка учрагани таҳлилий ёритилган.

“Миср Араб Республикаси ва Ўзбекистонда экстремизм ҳамда терроризм таҳдидига қарши курашиш йўллари” номли учинчи бобда “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган диний-сиёсий ташкилотларнинг ғоя ва тамойиллари ислом динининг асл моҳиятига зид экани Қуръони карим оятлари, ҳадислар, машҳур уламоларнинг фикрларига таянган ҳолда очиқ берилган. Бунда “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг асосий етакчилари бўлган Ҳасан ал-Банно ва Саййид Қутбнинг ўта радикал концепциялари, дастурлари замонавий экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг бузғунчилик ҳаракатларини оқлашда асосий воситага айлангани баён этилган.

Унда Саййид Қутб томонидан ишлаб чиқилган “ат-тамкин” (“ҳокимиятни қўлга киритиш”, “ҳокимиятга ваколат олиш”) концепцияси бугунги кунда барча мусулмон жамиятлари, давлат раҳбарлари динсиз экани ва уларнинг барчасига қарши илоҳий жиҳодни эълон қилиш лозимлиги ғояси очиқ берилган. Ушбу концепция кейинги даврларда пайдо бўлган экстремистик ва террорчи гуруҳлар учун ўзига хос методик қўлланма вазифасини бажаргани таҳлил этилган. “Мусулмон биродарлар”нинг ғоявий идеологларидан бири ливиялик Али Муҳаммад Саллобийнинг “ат-тамкин”ни асослаб беришда “Фикҳ ан-насро ва ат-тамкин фи ал-Қуръан ал-карим” (Қуръони каримда ғалаба ва ҳокимиятга ваколат олиш фикҳи) номли китоб ёзган. Қуръон оятларини ўз мақсадида тафсир қилиш натижасида Али Саллобий “мусулмонлар сиёсий ҳокимиятга интилиши лозим”, деган хулосани берган³¹.

Шунингдек, мазкур бобда араб мамлакатларида содир этилган зўравонликлар, ихтилофлар, келишмовчиликлар, радикал кўринишдаги оқимларнинг юзага келиши, асосан, минтақанинг энг қайноқ нуқталаридан ҳисобланган Миср Араб Республикасида намоён бўлиб, у орқали бошқа қўшни қитъалар, мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатгани ёритилган.

Айнан замонавий кўринишдаги экстремизм ва терроризм муаммосига ҳам

³⁰ Комлева Н. Арабская весна: геополитический аспект. https://www.philos.lv/City_raksti/Arabskaja.html

³¹ Қаранг: Али Муҳаммад ал-Саллобий “Фикҳ ан-насро ва ат-тамкин фи ал-Қуръан ал-карим”. –Байрут. Дор ал-маърифат, 2009. – Б.10-12.

араб давлатлари ичида Миср биринчилардан бўлиб, “Мусулмон биродарлар”нинг фаолияти натижасида дуч келди. Миср Президенти Жамол Абдул Носир даврида “Мусулмон биродарлар” уюшмаси бир неча бор ҳукумат билан яқинлашиб, кейин унинг томонидан тазйиққа учраб келган.

Анвар Садат (1918-1981) даврида эса, аксинча, мамлакатда исломнинг роли кескин ошиб кетди. У Жамол Абдул Носирдан юмшоқроқ тарзда диний-сиёсий ташкилотлар ва ҳарбийлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик олиб борган. Бунда Анвар Садат бошчилигидаги Мисрнинг янги ҳукумати аввалига турли диний ташкилотлар фаолиятини ижобий баҳолаб, мутаассиб гуруҳларга кенг йўл очиб берди. Ҳатто Анвар Садат 1971 йилнинг ёзида “Мусулмон биродарлар” билан алоқа ўрнатиб, ушбу ташкилотнинг асосчиси Ҳасан ал-Банно билан фахрланишини эълон қилди³². Шунингдек, у “Мусулмон биродарлар” фаолиятига нисбатан айрим чекловларни олиб ташлаган ҳолда, Жамол Абдул Носир ҳукумати томонидан ҳибсга олинган ҳаракатнинг аъзоларини ҳам озод қила бошлади. Бундай ҳолатни Жамол Абдул Носирдан сўнг Мисрда сиёсий мувозанат яхши тарафга ўзгариб бораётгани билан изоҳлади.

Миср Президенти Анвар Садат даврида мамлакатдаги “сўл” кучларга қарши фойдаланиш учун “Мусулмон биродарлар” каби радикал оқимларга нисбатан, асосан, мурасасозлик сиёсатининг олиб борилиши диний ғояларни байроқ қилиб олган янги деструктив уюшмаларнинг вужудга келиши, мавжуд ҳаракатларнинг эса йириклашиб, катта таъсир қувватига эга бўлишига сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, 1970 йиллар охирига келиб, мамлакатда 22 та муҳолиф руҳдаги радикал ташкилот фаолият олиб борган³³. Оқибатда, бундай сифатий ўзгаришлар Мисрдаги “ал-Жиход” ташкилоти томонидан Анвар Садатга суиқасд уюштирилиши билан мантиқий яқинига етди. 1981-2011 йилларда мамлакатни бошқарган Ҳусни Муборак даврида экстремистик ҳаракатлар фаолияти янада жонланди. Ташкилот аъзоларининг сайловларда иштирок этишига имкон берилиши “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг кенгайтишига ва жамият орасида ўз таъсирига эга бўлишга замин яратди.

